TA'LIM FIDOYILARI
GUVOHNOMA № 1170
ISSN:2181-2160
SJIFACTOR: 4.27 RESEARCHBIB(I.F): 6.2 U.I.F: 6.8
WWW.REANDPUB.UZ

Истиқболли нўхот навларини бошланғич манбаларини морфогенетик кўрсаткичлари

Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялар институти доценти,қ.х.ф.н.
Г Урунбаева
Магистр- И.Эралиев

АННОТАЦИЯ

Тупроқ унумдорлигини ошириш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.Бунинг учун дуккакли экинларни етиштириш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаб ва ошириш мумкин. Чунки кейинги вақтларда алмашлаб экиш тизими ўрнига 1:1 нисбатда навбатлаб экиш тизимини жорий қилиниши тупроқдаги чиринди миқдорини 40-50 камайишига олиб келди. Тупроқдаги чиринди миқдорини оширишда дуккакли экинлар айниқса беда,мош,нўхот ва соя ўсимликлар тупроқдаги чиринди миқдорини кескин ошириш билан тупроқни физикавий,кимёвий ва технологик хоссаларини яхшилайди.

Калит сўзлар: тупроқ унумдорлиги чиринди, такрорий экин,нўхот, дуккакли экинлар,ҳосилдорлик, навбатлаб экиш,алмашлаб экиш,фосфор калий, оқсил,витаминлар.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган экин майдонларида экологик тоза маҳсулот етиштириш биринчи масала бўлса, шунга баробар даражада тупроқ унумдорлигини яхшилаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тупроқ унумдорлигини оширишда, алмашлаб экиш тизимини ташкил қилиш, кимёвий усулларни ўрнига биологик усулларни қўллаш, такрорий экинларни экиш, айниқса дуккакли дон экинларини экиш юқоридаги вазифалар жумласидандир.

Кўп йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасида сурункали ғалла экилган (охирги 10 йил мобайнида) майдонда тупроқдаги чиринди миқдори қарийб 40–50 фоизга камайиб кетганлиги аниқланди. Аксинча, дуккакли экинлар (беда, нўхат, хашаки нўхат) билан навбатлаб экилиб келинаётган ғалла

майдонларининг ҳайдалма қатламида чиринди миқдори 1,1–1,2 фоизда сақланиши ва қайта тикланиш тенденцияси кузатилганлиги қайд этилмоқда

Ёзининг иссиқлиги, қишининг, совуқлиги ва экин майдонларининг шўрланганлиги Республикамизнинг тупроқ иқлим шароитига хосдир. Глобал иқлим ўзгариши билан атмосфера хавосининг исиб бориши сув танқислиги ва экин майдонларининг шўрланиш даражасининг ортиши қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу масалага ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат Дастури***"да эътибор қаратилиб озиқ–овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, селекция ва уруғчиликни ривожлантириш, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли навларни яратиш устувор вазифалардан эканлиги кўрсатиб ўтилган [1,2, 3].

Хукуматимиз томонидан ушбу масалага эътибор берилганлиги, *биринчидан*, Республикамизда 50% экин майдонлари шўрланган, *иккинчидан*, сувсиз қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш мумкин эмаслиги билан боғлиқ. Шу сабабдан, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли навларнинг яратилишига катта аҳамият берилмоқда.

Деҳқончиликда суғориладиган экин майдонларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, шу асосда дон етиштиришни жумладан нўхат етиштиришни кўпайтириш аҳолини ижтимоий – иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Нўхат қимматли озиқ–овқат ва ем-хашак экини бўлиб, дони оқсилга бой. Етиштирилаётган дукакли-дон экинлар орасида экин майдони бўйича учинчи, озиқавийлиқ қиймати бўйича эса биринчи ўринда туради.

Нўхат етиштириш оқсил масаласини ҳал қилиш билан бирга, дон етиштиришни кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни ҳал этишга ёрдам бериб, экологик тоза маҳсулотлар олишни таъминлайди. Нўхат тупроқда кўп миқдорда органик моддалар тўплайди, нўхатдан кейин бошоқли дон экинларини экиш

гектаридан олинадиган ҳосил миқдорини 40 – 60 % га ошириб, ўрта ҳисобда тупроқда 50 га/кг атрофида биологик азот тўплаши, у эса 6 – 8 га/т чиритилган гўнг солишга тенг бўлишлиги тажрибаларда исботланган. Шунингдек деҳқончиликдаги азот балансини яхшилайди, қийин эрийдиган фосфатларни ўсимлик ўзлаштирадиган шаклга айлантиради ва ер юзида қўшимча оқсил етиштиришни таъминлайди.

Нўхат таркибидаги аминокислоталар ўзига хос бўлиб, одам организмидаги ҳар хилдаги зарарли ва патологик омилларни бартараф этиши бўйича ажралиб туради. Нўхат донида фосфор, калий, магний элементлари, лецитин, рибофлавин (B_2 витамини), никотин ва пантатин кислотаси, холин, С витамини кўп бўлади. Нўхат дони аспарагин ва глутамин аминокислоталарига бой бўлиши инсон истеъмол фондида гўштни ўрнини босади. Шу сабабли ҳам жаҳонда етиштирилаётган нўхатнинг учдан икки қисми озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинади.

Маълумки, инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларида оқсилнинг етарли бўлиши муҳим роль ўйнайди. П.П. Вавилов, Г.С. Посыпановларнинг маълумотларига кўра, инсоннинг кунлик истеъмол қиладиган овқат маҳсулотлари каллориясининг 12 % ини оқсил ташкил этиши керак. Ҳозирги вақтда дунё бўйича аҳоли жон бошига бир кунда истеъмол қиладиган оқсил миқдори 60 граммни ташкил қилиб, шундан 30 фоизи ҳайвон оқсилидир. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 90-95 *г* га, ривожланаётган мамлакатларда эса 20-25 *г* га тўғри келмоқда. Ушбу рақамлар дунё бўйича оқсил талабга нисбатан 4 марта кам ишлаб чиқарилаётганлигидан далолат бермоқда [10].

Нўхат таркибидаги оқсил юқори сифатли бўлиб, оқсилнинг таркибида 20,7 *г/кг* лизин, 5,2 *г/кг* метионин, 4,8 г/кг цистеин, 11,3 *г/кг* фенилаланин ва 10,5 *г/кг* треонин мавжуд [11] .

Дони таркибида 25-30 % оқсил, 4-7 % ёғ, 47-60 % азотсиз экстрактланадиган моддалар, 2,4-12,8 % целлюлоза, 4,0 % кул, витамин В1 ҳамдамаъданли тузлар бўлади. Унинг дони омихта емга қўшилса уларнинг ҳазмланиши осонлашади. Поя ва баргларида отқулоқ ва олма кислоталари кўп. Сомонини қорамолларга бериб

бўлмайди, қўйлар учун яхши озиқа. Нўхатдан Ҳиндистонда олма ва отқулоқ кислоталари олинади.

Нўхат Ўрта ва Кичик Осиёнинг қурғоқчил минтақаларида эрамиздан олдин экилиб бошланган. Нўхат ватани Тожикистон ва Ўзбекистоннинг тоғли туманлари деб тахмин қилинади [9].

Нўхат экин майдони бўйича дуккакли экинлар орасида учинчи ўринни эгаллайди. Дунёнинг 30 га яқин мамлакатларида экилади, у Ҳиндистон, Покистон, Испания, АҚШ, Бразилия, Туркия, Эрон, Тожикистон, Татаристон, Туркманистон, Шимолий Африка мамлакатларида кўп етиштирилади.

Экин майдони 12 млн/га бўлиб, 8,9 млн/га. майдон Ҳиндистон ва Покистонга тўғри келади. Шунингдек Эрон ва Туркияда 1,4 млн/га. ерга экилади. Кейинги йилларда Австралия ва Канада бу экинга эътибор қаратган. Ҳосилдорлиги 0,6—0,8 т/га.

Ўзбекистонда нўхат лалмикор ва сувли ерларда 4-5 минг га майдонга экилади. Суғориладиган ерларда гектаридан 20-25 ц, лалмикорликда 8-10 ц дон ҳосили етиштирилади

Кейинги йилларда республикамизни турли тупроқ-иқлим шароитида нўхатни кузги ва баҳорги муддатларда экиб, унинг қишлаб чиқиши ва етиштириш технологиялари ўрганилмоқда. Шу билан бирга суғориладиган шароитда нўхатни қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалик бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш халқаро маркази (ИКАРДА, Сурия) томонидан берилган юзлаб навлар орасидан биологик кузги ва биологик баҳорги шаклли, юқори ҳосил берадиган янги навлар танлаб олинди ва бу навлар Давлат нав синаш назоратидан ўтказилиб, Республикамизнинг лалми ва суғориладиган экин майдонлари учун тавсия этилди. Шуни назарда тутиб нўхатнинг янада юқори ва сифатли ҳосил олинишини таъминлайдиган янги замонавий навларини яратиш ва уруғчилигини ташкил қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Биз хам шуни ҳисобга олиб Андижон вилоятини оч тусли бўз тупроқлари шароитида махалий экилиб келинаётган Зумрад ва Полвон навларига ИКАРдани

CW-134, Cw-110, Cw-129 ва Cw-201 дурагайларини чачиштириш учун дала тажрибалари олиб бордик.Тажриба 6-вариант 4-қайтарикда олиб борилди

Тажриба экилатган нав ва дурагайларни морфогенетик кўрсаткичларини тахлил қилганимизда махалий Зумрад ва Полвон навларида 1 та донни оғирлиги ўртача 0.408 грамдан 0,380 грамга тенг бўлди.1000 та донни оғирлиги эса 39,1 грамдан 36.9 грамга тенг бўлди.ИКАРДАни дурайгалари ичида бу кўрсаткичлар ичида CW-201 ва CW-129 дурагайларида юқори кўрсаткич кузатилиб бу кўрсаткичлар яъни 1000 та донни оғирлиги CW-201 да 36,9 грамм CW-129 дурайгайда эса 39,7 граммга тенг бўлди.

Тажрибада экинларни ҳосилдорлигини ҳам таҳлил қилдик.Бунда махалий Зумрад ва Полвон навларидан 19-22 ц/га ҳосил олинган бўлса дурагайлардан эса 17-23 ц/га ҳосил олишга эришилди.

Демак бундан кўриниб турибдики нафақат махаллий навлардан балки четдан келтирилган дурагайларни тупроқ-иқлим шароитимизга мослаштириб юқори ҳосил олиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1 Saxena M.G. Probi ens and potential of chickpea production in the Ninetis Kn. Chickpea in the Ninetis 1990.-P. 13-27.
2 Арсений А.А., Нестерчук Н.Н. Сравнительная продуктивность сортов нута и чины в центральной зоне Молдавии. Совершенствование технологии возделывания зерновых и зернобобовых культур (Сборник научных трудов). –Кишинев, 1987. -С. 93-97.
3 Атабаева Х., Қодирходжаев О. 18ва б-қа. "Ўсимликшунослик". Т.:-2000 й.
4 Атабаева Х.Н., Умаров З.-«Ўсимликшунослик (амалий машғулотлар)»-Т.Мил.энц. 2004 й. 227 б.
5 Атабаева Х.Н. Донли экинларнинг биологияси ва етиштириш технологияси. Т.:-2009. 167-172, 202-204 б.
6 Атабаева Х.Н., Массино И.В. Биология зернобобовых культур.- Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – С. 147-150.

7 Вавилов П.П., Посыпанов Г.С. Бобовые культуры и проблема растительного белка. -М.: Россельхозиздат, 1983. – С. 27.
8 Виноградов Б.И., Атабаева Х.Н., Дементьева А.А. Растениеводство.- Т.: Мехнат, 1987. – С. 67.
9 Орипов Р, Халилов Н Ўсимликшунослик- Самарқанд, 2008 й.
10 Эшмирзаев К.Э. Биология и селекция зернобобовых культур в Узбекистане (на примере нута и каянуса). –Т.: НПО "Зерно" УзАСХН, 1996. – С. 129.